

12-10-2019

HISTORICAL PHILOSOPHY OF AHMED ZAKI VALIDI

Muminjon Isokhonovich Xujaev

Doctor of Philosophy (PhD) at the International Islamic Academy of Uzbekistan, Senior Lecturer in the Department of Social-sciences and Humanities.

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Xujaev, Muminjon Isokhonovich (2019) "HISTORICAL PHILOSOPHY OF AHMED ZAKI VALIDI," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 12 , Article 23.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/23>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

HISTORICAL PHILOSOPHY OF AHMED ZAKI VALIDI

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 12 сон

АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

Хужаев Муминжон Исохонович. Фалсафа доктори (PhD) Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ижтимоий–гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада бошқирд олими Аҳмад Заки Валидий Тўгоннинг “Тарихда усул” асарида тарих фалсафасининг концепцияси тўғрисидаги фикрлари турк тилидан таржимаси ва Ўзбекистонда ижод қилган алломаларимиз ҳақидаги фикрлари таҳлилий жиҳатдан ёритилган.

Калит сўзлар: тарих, фалсафа, глобаллашув, давр, вазият, баҳс-мунозара, ўтмиш, фикр, тарих фалсафаси.

ИСТОРИЯ ФИЛОСОФИИ АХМЕДА ЗАКИ ВАЛИДИ

Хужаев Муминжон Исохонович. Доктор философии (PhD) в Международной исламской академии Узбекистана, старший преподаватель кафедры Социально-гуманитарных наук.

Аннотация: В статье рассматриваются взгляды башкирдского ученого Ахмеда Заки Валидия Тогун на концепцию философии истории в его книге «Метод в истории» на турецком языке, а также мнения наших мыслителей в Узбекистане анализируются аналитически.

Ключевые слова: история, философия, глобализация, период, ситуация, дебаты, прошлое, мысль, философия истории.

HISTORICAL PHILOSOPHY OF AHMED ZAKI VALIDI

Xujaev Muminjon Isokhonovich. Doctor of Philosophy (PhD) at the International Islamic academy of Uzbekistan, Senior Lecturer in the Department of Social-sciences and Humanities.

Abstract: The article discusses the views of the Boshkird scientist Ahmed Zaki Validiy Togun on the concept of philosophy of history in his book “Method in History” in Turkish, as well as the opinions of our thinkers in Uzbekistan are analyzed analytically.

Key words: history, philosophy, globalization, period, situation, debate, past, thought, philosophy of history.

Тарихда жамият ривожига ёки таназзули ва халқларнинг ҳаётига машҳур шахслар, қаҳрамонлар, даҳолар ҳам таъсир кўрсатгани шубҳасиздир. Аммо, тарихий шахсларсиз, даҳоларсиз ҳам ҳаёт давом этади. Тарихни бутун инсониятнинг таржимаи ҳоли ва бошидан кечирганлари дейиш мумкин.

Шундай шахслардан бири бошқирд олими Аҳмад Заки Валидий Тўгон бўлиб унинг “Тарихда усул” асарида тарих фалсафасининг концепцияси тўғрисидаги фикрлари Ўзбекистонда ижод қилган алломаларимиз ҳақидаги фикрлари таҳлилий жиҳатдан ёритилган.

Биз буни таҳлилий жиҳатларини бу асарнинг турк тилидаги бирламчи манбаси асосида таҳлилин келтирдик.

Аҳмад Заки Валидий тарих фалсафаси назарияларини 7 қисмга бўлади:

1. *Теократик тарих фалсафасининг тушунчаси.*
2. *Материалистик тарих фалсафаси (Модиюнлик) тушунчаси.*
3. *Позитив тарих фалсафасининг тушунчаси.*
4. *Идеалистик тарих фалсафасининг тушунчаси.*
5. *Экспрессив тарих фалсафасининг тушунчаси.*
6. *Гуманистик тарих фалсафасининг тушунчаси*
7. *Теократик тарих фалсафасининг тушунчаси каби соҳаларга бўлинади.*

Фалсафий дунёқарашда инсоният тарихий ҳаётининг қиймати илоҳий ҳукмронликнинг асосий қонунларига мувофиқ келиши ё келмаслиги билан боғлиқ.

Мамлакат аҳолиси, бошқа дин вакилларининг амрига кўра ҳаракат қилганда, қонун ҳимоячилари томонидан идора қилинса яхши бўлар эди. Айнан бутун инсониятнинг тарихи шу томондан тадқиқ қилинади. Давлат қонунлар асосида бошқарувни ижро ва тадбиқ қилган бир ташкилот воситали қарашларидан бу мавзу фалсафий тарихий қарашлари теократик ва дуалистик деб қаралади. Бир қанча католик руҳонийлари бу фикрни тасдиқлаган ҳолда қуйидагича тушунтирадилар. Мисол учун Веналик профессор Патер В. Шмидт “Аллоҳ фикрининг келиб чиқиши” асарида ёзган. Китобнинг номига назар ташланса, асар гуманитар соҳа олими томонидан ёзилганлиги тахмин қилинади. Катта бир тарихий тадқиқот шаклида ёзилган асардир.

Оламдаги барча ҳодисалари фақат дунёвий ва диний уйғунликда асослар билан изоҳлаш лозимдир. Абу Райҳон Беруний, Ибн Мискавайҳ ва Ибн Халдун каби олимлар учун дин, жуда ҳам қадрли ҳамда маънавиятдан иборатдир. Бутун Ислом тарихи адабиётини “Теократик” асосда ёзилган деб тадбиқ қилиш ножоиздир. “Дуалист” таъбирини уларга қўллаш бутунлигича нотўғри. “Теократик” фалсафа энг кўп Европаликларнинг, айниқса католикларнинг фалсафасидир.

Материалистик тарих фалсафасининг тушунчаси

Бу назарияга кўра, дунёни идора қилувчи қувват илоҳий эмас ва табиатдан устун эмасдир. Бу қарашнинг асосчилари Дарвиннинг маймун ва инсонлар эволюцион ривожланиши назариясини асос қилиб олганлар. Ишлаб чиқариш муносабатларидаги зиддиятлар инсониятнинг фақат иқтисодий ҳаётига таъсир қилиб қолмай тафаккурга сиёсий, ҳуқуқий, диний қарашларга ҳам таъсир кўрсатади. Ижтимоий ва маданий ҳаётда қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради. Ижтимоий ҳаётдаги қарашларда бу қарама-қаршиликлар синфий курашни кучайтириб, инқилобларни туғдиради. Ишлаб чиқариш маҳсулотларини тақсимлашдаги адолатсизлик қилувчи синфларни пайдо қилади. Ҳаёт эҳтиёжлари қандай вужудга келади? Ишлаб чиқарувчи кучлар ўз маҳсулотига эгами? Хусусий мулк қандай ҳосил қилинади? - каби саоллар юзага келади.

Валидий материалистларнинг фикрича, инсониятнинг ҳаёти тарихи ишлаб чиқарувчи кучлар ва чиқариш муносабатлари тарихи вужудга келтирган синфларнинг доимий курашлари тарихидир.

Материалистиклар барча ижтимоий ҳодисаларни фақат ишлаб чиқариш муносабатлари билан изоҳлаб қолмайдилар. Ф.Энгельс ёш марксчиларниг бу хусусда муболаға қилганликларини қайд этган. “Бунга мен ва қисман Маркс” масъулмиз, чунки, улар иқтисодий асосларни инкор қилганларга қарши жавобларимизни гўё ишлаб чиқариш муносабатларидан бошқа ҳеч қандай омил бўлмаган деб, тушунганлар.

Позитив тарих фалсафасининг тушунчаси

Бу фалсафий қараш тарафдорларининг фикрича, барча табиий ва ижтимоий фанлар устидан назорат қилувчи мафкура, сиёсат, фалсафага муҳтож эмас, барча фанлар ўз қонуниятлари бўйича ривожланади.

Заки Валидий бкни қуйидаги бандларда кўрсатиб ўтади:

1. Ҳар бир миллат, халқнинг маданияти ўша ўлкадаги табиий, ижтимоий руҳий вазият, шароитга қараб ривожланади.
2. Ҳар бир мамлакат, минтақада яшовчиларнинг маданияти, атрофдаги мамлакатлар минтақаларнинг маданиятидан ўз руҳиятига мувофиқларини қабул қилиб, ривожланади.
3. Айрим шахсларнинг фаолияти умумий вазиятларга, умумий шароитга боғлиқ ҳодисадир.
4. Тарих (тарихчи) воқеаларнинг сабабини, келиб чиқиш сабабларини ва омилларини тадқиқ этар экан, улардан ибрат олиб, билимлари ривожланади.

Овгуст Конт инсонларнинг фикри, тафаккури ривожланишининг уч тадрижий босқичини кўрсатади:

- 1) Инсонлар тарихий ҳаёти кечишни табиат устидан ҳоким бўлган илоҳий кучлар билан боғлайди.
- 2) Шундан сўнг инсонлар онги ривожланиб, ўз ҳаётларига метафизик шароит (руҳий қувватлар), ғоялар, субстанциялар таъсир этади деб тушунадилар.
- 3) Ниҳоят, инсонлар воқеа, ҳодисаларни табиий сабабларини ижтимоий, психологик шароитларини ўрганиб, ораларидаги муносабатни кенг мушоҳада усули билан ҳал қилиш йўлига кирдилар. Овгуст Контнинг “Позитив фалсафа курси” (1839 й) китобида тарих шундай тушунилади.

Идеалистик тарих фалсафасининг тушунчаси

Идеализм назарияси И.Кантнинг 1784 йилда чиққан “Ideyn zu einer allgemeinen Geschichte in weltburgerlicher Hinsicht” номли мақоласидан бошланиб, кейин Фихте ва шоир Шиллер томонидан илгари сурилган назариядир.

Бунга кўра, инсонлар, озодликларини таъминлаш учун ўз шахсий хурриятларининг ўз истаклари билан камайтирадилар. Бу бир ғоядир мана шундай инсоният ҳаётини идора қилувчи асос омиллар ҳам шу каби ғоялардир. Ғоя илоҳий руҳнинг маҳсулидир. Бу ғоя хурриятдан маҳрум бўлган ибтидоий ҳаётнинг ўз-ўзидан ривож топиш йўли билан вужудга келади. Европаликлар фикрича, Шарқ халқлари хурриятнинг қийматини тушунмайдилар. Буни қадимги юнонлар ва Римликлар қисман тушунишган. Европаликлар, Германлар илк бора идрок қилганлар. Бу назарияга кўра инсоният тарихи фақат ғоя асосида такомиллашган миллатларнинг тарихидан иборат. Гегелнинг фикрича, Африка ва қадимги Америка

халқлари тарихий тараққиётдан орқада қолган халқлардир. Умуман олганда модда руҳнинг қўлида қўлланадиган бир жисмдан иборат. Доимий яшовчи ҳаракат эса, ғоядан иборат. Бу ғоя ё субъектив (буни Афлотун, Кант ва Фихте изоҳлайди) ёхуд объектив бўлади. Бу каби фикрларни Аристотель, Шеллинг, Гегель, Шопенгауэр фалсафалари изоҳлайди. Объектив идеализмда модда фақат ғоя воситаси билан ҳақиқат деб тушунилади. Бу назария материализмга зиддидир. Шу жиҳатдан марксча тарих фалсафасининг энг кўп баҳсга сазовор бўлган жиҳати фалсафа ҳам бу идеалистик тарих назарияси каби фикридир. Давримизда (*асар 1946 йилда илк бор нашр этилган*) ҳам материализм Россиянинг ва идеализм Германиянинг давлати ўзлаштирган фалсафаси бўлиб қолган.

Экспрессив тарих фалсафасининг тушунчаси

Бу тушунча Лео Фробениус ва Освальд Шпенглер томонидан илгари сурилган. Асосан замонавий санъатдаги экспрессионизмда хабардор бўлиб, унга таяниб, ривожлантирилган бу тушунча инсон ҳаётининг жараён ҳолини идрок этиш воситасидир.

Шу сабабли у олимларнинг ўрганаётган долзарб мавзуларидан бўлиб, тарихга оид китоблардан кўра дostonларда кўриш мумкин. Тарих мавзуси жиддий бўлиб, табиатан алоҳидадир. Инсон ҳаёти ўзгариш ва тасодифлардан иборат. Маданиятлар орасидаги фарқ фақат тасодифий алоқалар бўлиб, цивилизациялар ўз вақтида майдонга чиқади. Ўз вақтини ўтайди ва йўқликка маҳкум бўлади. Аммо уларнинг ўрниларига янгилари туғулаверади. Бир асрдан кейин Ғарб маданияти ҳам “ботқоқ”қа ботиб кетади. Юксалишда бўлмаган ҳақиқий сиймоларни кўрмаган маданиятлар нинг (масалан Европа маданияти) такомил суръати, унинг мундарижаси, маъноси ва натижалари ҳақида фақат тахминанлар ҳамда баъзи фикрлар ва салбий мулоҳазалар айтиш мумкин.

Шарқда инсонлар осмонўпар минора қуриб, осмонга яқинлашмоқни истайдилар. Лекин бари бир етолмаслигини биладилар. Шундан сўнг яхши хулқи, фазилатлари билан юксалиш мумкинлигини тушунадилар.

Шунингдек, асарда Заки Валидий тТарих зулматида йўқолиб кетган ноъмалум цивилизация даврларини тушуниб етиш учун эса фақат ҳаётий усулларни тадбиқ қилиш мумкин. Бу назариянинг тарафдорлари, инсоният тарихида рол ўйнаган инсонларнинг қисматлари ва жамоатлар ҳақида ҳужжатлардан кўра ўз қарашларига таяниб хулоса чиқарадилар. Масалан: тарихда ўйнаган роли эътибори билан Шарқлик билан Ғарбликнинг тушуниш фарқлари ҳақида Ғарб мутаффакирлари турлича фикрлар билдирадилар. Фробенустга фалсафасига кўра Шарқлик тарихни бир минора ҳолида тасаввур қилади ва осмон қуббаси каби ҳар соҳа билан алоқадан кўрққан ҳолда юқорига томон юксалади. Ғарблик эса жаҳон кенглигини тушуниб, бу худудсиз соҳани тўлдириш учун ҳасрат ичида ёнмоқда. Шарқликдаги “Минора туйғуси” билан Ғарбликдаги “Жаҳон туйғуси” бир-бирига муқобил тарзда тарихда яшаб келган. Айни назарияларнинг ўхшашини чуқур эътиборли христиан сифати билан илгари сурган англиз олими Арнольд Тойнбини фикрлари эса исми юқорида келтирилган “A Study of History” (1932-1946 й) асарида очиб берилган.

О.Шпенглер “Европа қуёшининг сўниши” асарида Ғарбликлар маданий юксалишнинг чўққисига етиб, энди маънавият ва маданият соҳасида пастрлаш даврига кирганлигини таъкидлаган. А.Тойнби ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда, Ибн Халдун ғояларидан ҳам фойдаланиб, тарихда цивилизациялар, маданиятларнинг юксалиши ва инқирози доимий такрорланиб турадиган даврлар бўлиши ҳақидаги назарияни ёқлайди.

Гуманистик тарих фалсафасининг тушунчаси

Бу назария И.Кант замондоши Иоганн Готфрид Ҳердернинг “Инсониятлар тарихи фалсафасининг муқаддимаси” (1788 й) асарида илгари сурилган. Айнан шундай фикрни Герман Лотъзе “Микрокосмос” (1856 й) асарида янада кенгрок таҳлилини берган. Бу икки гуманистнинг қарашларида инсон табиатда ҳоким бўлиш учун яратилган, миллатлар, элатлар ва ирқлар орасида ҳукмрондир. Табиат билан қарама-қарши бўлган ва унга тобье инсондир. Маданиятлар нақадар хилма-хил бўлмасин, улар биргина инсон онги билан бирлашади. Башарият ҳаёти, ўлкалар тарихи, қавмлар ва давлатларнинг тарихига бўлиб ўрганилади. Булар фақатгина бир инсон ҳаракати, ахлоқининг такомиллашуви ва уларда бир инсон маданияти ғояси изланади. Элат, халқлар ва жамоаларнинг хоҳишларининг фарқи бўлиши ҳамда ғояси буюклигидан далолат беради. Ҳердер ва Лотъзе бу назарияга тарих илмида, адабиётда ва санъатда бир метод шаклини бера олганлар.

Лотъзе бу назарияни фақат ижтимоий назария сифатида бошлаб тарих фалсафаси назарияларининг асосида бир инсоният назарияси ҳолига келтиради. Унинг фикрича, турли қавмлар ҳаётининг асоси бўлган яшашга интилиш инсонларни умумий бир ғояга бирлаштиради. Гуманитар соҳа олимларининг фикри “Ренесансининг тадқиқоти бўлган гуманизм” ёхуд умумбашарий жаҳоншумул ахлоқ ва системаси бўлган “Гуманизм”дан фарқланади. Тарихда гуманизм тамойилларининг бири бошқасига тўхтовсиз алмашиб турадиган акс таъсирлардан ташқари, ўз атрофидаги табиат билан эмас, балки доимо мавжуд бўлган маданий муносабатлар билан бирга ривожланишини илгари сурувчи назариядир. Табиатни ва маданиятни асровчи жамият ташқаридан қилган таъсирлари каби, инсоннинг хоҳишлари ҳам, тарихий воқеалар доирасида мустақил бўлган таъсирланишлардир. Бу фикрни айтган гуманитар соҳа вакиллари бир ёқлама бўлган идеалист ёхуд материалист тарихчилардан янада кенг фикр ва асосларга таянган. Бунга кўра, табиат қонунларининг механизми борлиқни ички таъсирланишини физикавий, кимёвий ва биологик турларидан фарқли ва такрорланувчи аксиомалар билан қаршилиқни мунтазам таъсирлар тизимининг хусусиятидан иборат.

Гуманистик тарих фалсафаси тадқиқотларида, башарият ҳаётида қандай унурларнинг янада кўпроқ доимий таъсир доирасида бўлишини, қисман аниқлаш мумкин:

1. Аввало иқтисоднинг тарихдаги роли энг катта омил бўлгани ҳақиқатдир. Масалан XVII асрда тижоратни давлатлаштириш ва хазиналарни кўпайтириш, харажатни камайтириб, фойдани кўпайтириш, мамлакатга олтин ва кумуш олиб келиш,

фойдани четга чиқармаслик шаклида кўрилган меркантилизм, фақат Англияда эмас, балки Европада ҳам борлиги маълум.

2. Бошқа томондан, маданият соҳасида қўлга киритилган баъзи қоидалар ҳам ҳозирда башарият тарихига оид тадқиқотларда кузатилмоқда. Бу масала, юқоридаги муносабатлар мазмуни ва маданий омиллари баҳсида ҳам изоҳланган. Ижтимоий ҳаёт ва маданият замонавий омиллар маҳсули эмас. Айни пайтда ўзи ҳам маълум бўлган омилдир. Бу масалада давлат ташкилотига бир қанча усулнинг бўлиши ҳам маданият тараққиётига таъсир кўрасатади. Масалан: монархизм, феодализм, республика, аристократик жамият ва демократик жамият, федерацион ва конфедерацион каби боқарув усуллари бунга мисол бўла олади.

Умуман олганда Заки Валидий тарихий воқеаларда энг табиий ва иқтисодий омилларнинг таъсирига ва инсоният ҳаётига ўз даврининг таъсир кучига ҳам эътибор берган ва шу билан бирга руҳий омилларнинг ҳам мустақил таъсирчан омил эканлигини изоҳлайди.

Шарқда Ислом тарихи фалсафасининг тушунчаси

Ғарбда тарих фалсафасини тушунчалари ва усулларнинг мукамал тарихлари бўлгани каби, Шарқда ҳам тарих назариясининг тарихи мавжуд. Юнонлардан Фукидид билан Полибий тарихда фалсафий бир йўл аниқланган илк олимлардандир. Буларнинг тарихда фалсафий тушунчаларнинг қарашлари юқорида айтиб ўтганимиздек прагматик тарих усули эди. Бу усул ўзларидан кейин ҳам яшаган. Римликларда тарих, адабий завқларга тобъе тутилган, унга санъат назари билан қаралган, илмий тарих тизимини ишлаш хусусида эса кўп аҳамият берилмаган. Фақат Тацит ўз асарида Фукидид йўлини танлаб, баъзи хусусларда унга эргашиб ёзган. Христианлик ва ислом дини эса тарих соҳасида биргина диний эътиқод ҳукм сурган, диний теократик назариялар ғолиб бўлган, тарихда ҳам теология ҳоким бўлган. Ўрта асрларда тарихий воқеанинг сабаби Оллоҳ ва тақдир, деб тушуниланган.

Тиббиёт, фалсафа, математика, жуғрофияда юнон тилидаги асарни таржима қилиб, уларга ҳиндлардан ўрганганларини қўшишган ва ўз тажрибаларига ҳам таяниб, илм-фанларни тараққий эттиришган. Фақат тарих соҳасида тарих фалсафасини акс эттирган қадимги Юнон ва Рим асарларидан ҳечқайсиси араб тилига таржима қилинмаган. Масалан: Фукидид, Полибий ва Тацитнинг асарлари мусулмон халқларга умуман ноъмалум бўлиб қолган (Аҳмад Заки Валидий бу ерда Ғарб олимлари фикрини айтмоқда). Мусулмонлар Македониялик Филипдан кейинги Юнон ва Рим тарихи учун Птоломейнинг хронологиясидан, Бизанслардан (Византияликлардан) ва Сурияликлардан баъзи маълумотларни олишган. Эҳтимол тарихий асарларнинг ташқи шакли хусусида ҳам антик давр тарихчиларининг асарлари (Сурияликлар ва Бизансликлар воситаси билан) таниш бўлган ва таъсирланган. Фақат бу ҳам исбот қилинмаган.

Шунингдек, Валидий Шаҳобиддин Маржонийнинг китоби “Талфиқ ва ахбор ва талфиқ ал-асар фи ва Қанғ Қазан ва Булғар мулук ат-татар” (“Қозон ва Булғор татар ҳукмдори тарихининг кўчирмачилик гувоҳлари”)ни ва ундаги хулосавий фикрларини Мурод Рамзий жаҳолатпараст” [2], деган хулосага келишдан ташқари

Заки Валидий Шарқда VI-XIX асрларда мазкур илм билан шуғулланганларнинг ислом маданиятига қўшган ҳиссаси, ижоди ва ҳаёти тўғрисида библиографик тўплам яратади. “Тўпламда Шаҳобиддин Маржонийнинг илмий меросини баҳолаб, “Мустафад ал-ахбор фи-аҳволи Казан ва Булғор” асарини жуда керакли эканини алоҳида таъкидлайди” [3]. Валидийшунос олим Ахат Салихов таъкидлашича: “Умуман олганда ёш олим Маржонийнинг асарларини 1906-1907 йиллардан бошлаб ўрганади” [4].

Юнон адабиёти билан янада яқиндан таниш бўлган Суриялик олимларидан баъзилари, асарларини араб тилида ёзганлар ва араблар ҳам буларни ўқишган, фақат мусулмонларнинг тарих фалсафаси, хар-ҳолда исломдан олдинги араб ва форс ривоятлари таъсири остида ривожланган. Булар эса тарих эмас, ривоят ва эпос эди. Оз вақтдан сўнг, араблар фатҳлари билан, турли “футух” фатҳлар тарихи китобларини ёза бошладилар. Бу ривоят усули ҳадислар тарихига ҳам тадбиқ этилди. Ҳадис, фикҳ илмларида танқид усули ҳам қўллана бошланди.

Валидийнинг фалсафий қарашларида: “Ҳодисаларнинг сабаби ва келиб чиқиши билан бири бошқасига боғлиқ эканлиги (детерминизм) ғояси устувор бўлган. Бундай ёндашув тарихчига табиий фанлар, тарих фалсафаси билан ижтимоий соҳага йўл кўрсатади. Бу ерда асосан борлиқдаги “ички маънавий-руҳий омилар” ва сабаблар орасидаги муносабатлар антропологик нуқтаи-назардан изоҳланади. Ўз навбатида, Валидий тарих методологиясини фалсафий жиҳатдан умумий тавсифлайди. Фақат бу ерда биз учун деб ёзади мутафаккир: “Тарихнинг мазмуни кенг маънодаги инсоният ва миллатлар тарихидир. Бу ибора ижтимоий мазмун “тарих” бўлиб, инсониятни яралиши ва шаклланиши динлар ташкил этиб, ижтимоий жиҳатдан тараққий этишида фарқлар ҳамда жамоат фикрларига қараб олимлар изланганлар” [5].

Аҳмад Заки Валидий Тўғон ўзининг “Тарихда усул” асарида тарих фалсафаси концепциясини таҳлилини беради. Таҳлилда табиийки тарихнинг асосий мақсад ғояси ва уни кашф этилиши инсониятнинг моддий ва маънавий тарихини ўрганишда инсоният учун муҳимдир.

References:

1. Prof. Zeki Velidi Togan. Tarihte Usul. Istanbul: 1985. III-Ekler.
2. Salixov A.G. Nauchnaya deyatelnost A.Validova v Rossii. – Ufa, «Gilem». 2001. – S.32.
3. Validi A.Z. Rus tarixi adabiyotina Marjoni (Marjoniy rus adabiyti tarixida) Mardjani. – Kazan, 1915. – S.268.
4. Salixov A.G. Nauchnaya deyatelnost A.Validova v Rossii. – Ufa, «Gilem». 2001. – S.35.
5. Prof. Zeki Velidi Togan. Tarihte usul. Istanbul: 1985. S.35.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Visual c# da razryadli operatsiyalar.
Temirov O.M..... 3
- 2 Java dasturlash tilida abstrakt sinflar
Holmirzayev H.E..... 6
- 3 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли
чизиқли оддий дифференциал тенглама учун масалалар
Тиллабаева Г.И..... 10
- 4 Matematika darslarida muammoli ta'lim
Alixanov O.O..... 15
- 5 О некоторых задачах теории одномерной бифуркации
Тухтасинов М,Кушақов Х.Ш 20

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 6 Карбоксиметилцеллюлоза: олиниши, айрим физик – кимёвий хоссалари,
ишлатилиши (обзор)
Сайпиев Т.С..... 27
- 7 N-vinilpirrolidon asosida suvda eruvchan sopolimerlar sintez qilish va ular
makromolekulalarining kompozitsion tuzilishini o'rganish
Toshmatov Y.R., Dexqonov R.S.,Boydedayev. A.A..... 39

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 8 Far1 Related Sequence (FRS) генлар оилас ининг вакили frs10 гени g.hirsutum
туридаги функсиясини рнки технологияси ёрдамида ўрганиш.
Усманов Д.Э, Буриев З.Т, Абдукаримов Ш.С, Собиров Б.М, Мухторов А. Т..... 46
- 9 Кўхитанг тизмаси флораси таркибидаги ziziphora l. туркуми турларининг
биоэкологияси
Ибрагимов А.Ж,Батошов А.Р,Каримов Б.А,Мирзаев С.И 50

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

05.00.00

ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

TECHNICAL SCIENCES

- 10 Интернет самарали коммуникация канали сифатида
Бекназаров К.Т..... 54

ТАРИХ ФАНЛАРИ

07.00.00

ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

HISTORICAL SCIENCES

11	XX asrning 60-80-yillarida namangan viloyati xalq ta'limi tizimi: muammolar va yutuqlar Mamasaidov L. P.....	60
	ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
	09.00.00 ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ	
	PHILOSOPHICAL SCIENCES	
12	Tarixiy taraqqiyotda ayollarning o'rnini Mamatov O.V.....	64
13	Миллий байрамларда санъат турларининг ифодаси Шадиметова Г.М	67
14	Замонавий санъатларда янги эстетик мезонларнинг вужудга келиши Кадирова Д.С.....	72
15	Мақом куйларининг фалсафий-эстетик моҳияти Нуруллаева З.С.....	78
16	Ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашуви Кодиров Н.М.....	83
17	Ренессанс даври мутафаккирлари оилавий муносабатларда поклик ва гўзаллик ҳақида Хандамова М.....	93
18	Полифункционаллик халқ қабулхоналарининг ўзига хос хусусияти сифатида Айтбоев М.Ю.....	99
19	Оиланинг жамиятдаги роли ва ижтимоий функциялари Абдуллаева Н.....	103
20	Инновация фалсафасининг ижтимоий функционал хусусиятлари Ходжаев С.Б.....	108
21	Боҳарзий ва унинг вақф ерлари Норова М.Ф	113
22	Туркистон “Янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммолари Намазова Ю.М.....	121
23	Аҳмад Заки Валидийнинг тарих фалсафаси Хужаев М.И.....	126
	ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
	10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ	
	PHILOLOGICAL SCIENCES	
24	The Role of stylistics in linguistics and literature Umrzaqov I. I.....	133
	Девону Луғотит Турк” асарида қўлланган шахс номлари гуруҳига оид	
25	лексемаларнинг семантик хусусиятлари Розикова Г.З.....	136
26	О'zbek tiliga o'zlashgan arabcha leksemalar va ularning badiiy asarlarda qo'llanilishi Rahmatullayev.Y.....	142
27	Замонавий таълим тизимида касбий компетентликни модуллаштиришмоҳияти	

Абдиева С.М.....	146
28 Qo'shma gaplarda shakl va mazmun Ahmedova N.Sh.....	151
29 Краткий обзор по историю изучения терминов родства в узбекских и английских языках Каримова В.....	156
30 O'zbek adabiy tili uslublarining shakllanishi Vabaxanova D.A.....	163
31 Йўл мотиви ҳақида Қўчқаров О.....	169
32 Жаҳон тилшунослигида диний функционал услубнинг ўрганилиши Юсупова Ш.Т.....	173
33 Жек лондоннинг исёнчи асаридаги воқеаликни тасвирлаш хусусиятлари Najmiddinov J, Bahodirov A.....	179
34 Johann Wolfgang Gytoring "Yosh Verterning iztiroblari" romanida poetonimlar talqini Vozorova R.Sh.....	182
35 "Алпомиш" библионими ва бош тимсол исми, лақаби хусусида Улуқов Н, Юнусова Б.....	186
36 Наманган қипчоқ шевалари ва этнослараро жараёнлар Дарвишов И.Ў.....	190
37 Grammatik ko'rsatkichlarning o'zlashtirilishida aniqlik darajasi (O'zbek tilini o'rganayotgan koreyslar misolida) Saidaxmedova O.I.....	197
38 Перевод понятий означающие национальных конвенций, традиций и обряд Самандаров . Ш.С.....	202
39 Принцип вежливости в речевом общении. Саидова М.Ш, Холматова Г.И.....	205
40 Адабиёт ва прагматика Раҳимов У.Э, Махаммаджлонов Н.Д.....	209
41 Хикматли сўзлар таржимасида қофияни сақлаш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э.....	214

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ
11.00.00 ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ
GEOGRAPHICAL SCIENCES

42 Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим илишига реакцияси Солиев И.Р., Ғулломжонов Д.....	219
--	-----

13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

43 Готовность будищих педогогов как основной фактор успешности инклюзивного образования Сатторов М, А.....	225
---	-----

44	Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси Эргашев Б.Б.....	229
45	Таълимда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш афзалликлари Ниязова Н.А.....	234
46	Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фанларичра ва фанлараро интеграциясини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари Жуманов А.А.....	237
47	Мактабгача таълим ташкилотларини инновацион ривожлантириш муаммолари Абдуназарова Н.Ф, Хамдамова М.Т, Парманов Ж.А.....	242
48	Физика ўқитувчиларининг таълимга инновацион ёндашуви Бекназаров З.Ф.....	245
49	Тухника йўналишиндаги мутахассис компетентлигининг модели Даминов О.О.....	250
50	Олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологияларини қўллашнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари Исмаилова З.К, Химматалиев Д.О.....	257
51	To actual directions of development of export of fruit and vegetable products in Uzbekistan Avulchaeva F.....	261
52	The significance of cultural awareness in second language learners' classroom Umirzakova D.A.....	264
53	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yo'llari Jo'rayeva T.U, Shamirova Y.K	268
54	Role of peer observation in foreign language teaching Jalolov Sherali, Botirova Z.X.....	274
55	Ingliz tilni o'rgatishda mnemonik usullardan foydalanish Yunusova Y.B.....	278
56	Талаба ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига қадрият сифатида қарашни тарбиялаш муаммолари Назаров А.Т.....	281
57	“Олий таълим муассасалари ўқув–жисмоний машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда blended learning концепциясидан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш” Махкамов А.Ю.....	284
58	Ўқувчиларнинг геометриядан ўқув фаолиятини фузионизм ғояси асосида такомиллаштириш йўллари Ғойибназарова Г.Н, Джураева Ш.К.....	288
59	Мактабгача таълим муассасаларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш Ибрагимова Г.Н.....	293
60	8-синф физика курсининг “электр заряд. электр майдон” бобини ўқитиш Зоҳидов И.О, Каримова Р.К, Умаров А.О.....	298

61	Таркибида сирт фаол модда тутган учкарбамид хлорат натрий дефолиантини олиш жараёнини ўрганиш Умиров Ф.Э, Худойбердиев Ф.И, Номозова Г.Р, Закиров Б.С.....	303
62	Ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари Раҳимова М.А.....	311
63	Ҳамкорлик педагогикасининг узлуксиз таълим тизимидаги инсонпарварлашув хусусиятлари Ўринова Ф.Ў, Усмонова Ш.Ё.....	317
64	Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни шакллантиришнинг долзарб масалалари Хасанов А.Т, Юсупов Т.Т.....	323
65	Мобиллик-олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида Эшназарова М.Ю.....	327
66	Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий муҳим сифатларни шакллантириш педагогик жиҳатлари Қодиров М.М.....	332
67	Бошланғич таълимда прагматик ёндашув асосида матн ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари Йўлдашева Д, Буважонова М.....	338
68	Бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитишнинг аҳамияти Рустамова Д.....	341
69	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти Ўринова Ф, Сидикова З.....	344
70	Технология использование метода кейс-стади при изучении компьютерной графики. Отабаева Ф.Т.....	348
71	Pedagogik tajribalarni to'plash va ommalashtirish tizimi Mo'minova G, Insarova G,.....	355
72	Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш- ўқув жараёнининг асоси Мўминов З.О.....	359
73	Innovatsiya ta'limning muhim elementidir. Madaminov F.Sh.....	367
74	Intellectual kompyuter o'yinlari yordamida individual matematik ta'limni yo'lga qo'yish Najmiddinova . N.Y.....	373
75	Футболчиларни эмоционал ҳолатларини аниқлашнинг методик хусусиятлари Сатиев Ш.К	378
76	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш. Қамбаров М.М	384

77	Содержание и структура учебников по методике обучения языкам Габдулхаков Фарид Ахунович.....	391
	ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PSYCHOLOGICAL SCIENCES	
	19.00.00	
78	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	395
	СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ SOCIOLOGICAL SCIENCES	
	22.00.00	
79	Маънавий тарбия ва тарихий онг Махкамов Қ.О.....	398